Наврўзи оламнинг қутлуғ қадами

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 24-mart, chorshanba ● № 14 (665) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, ер кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор — баҳор нафаси урилади. Кўклам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам суврати намоён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни теради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қут-барака рамзи – Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асрабавайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи рангларидаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

(Давоми 2-бетда.)

СОҲИБҚИРОННИНГ ТАВАЛЛУД КУНИ ОЛДИДАН

Ватан ва миллат тимсоли

Юртимизда мустақиллик эълон қилингандан бери ҳар йили буюк аждодимиз Амир Темур ҳазратларининг таваллуд санаси кенг нишонланади. Соҳибқирон фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади. Сирасини айтганда, ул буюк зотнинг сиймоси халқларни бирлаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, маънавий-маърифий илдизларимизни чуқур англашда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али билан бўлиб ўтган суҳбат ҳам Соҳибқироннинг оламшумул зафарлари, бунёдкорлик ишлари ва инсоний фазилатлари хусусида бўлди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси Ватан ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллигимизнинг ҳар бир тадбирида Соҳибқироннинг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Келинг, суҳбатни Амир Темур тузган салтанатнинг тилсимлари, бизга қолдирган бебаҳо маданий-маънавий меросидан бошласак...

— Одатда, тарихий шахслар ҳақида гапирилганда, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган фаолияти ёки маълум бир давр ҳақида фикр юритилади. Лекин тарихимизда шундай буюк инсон борки, ул зот халқимиз тарихининг бус-бутун тимсоли, миллатнинг бойлиги, кўрки, қудрати, қимматини кўрсатадиган шахсдир. Бу — Соҳибқирон Амир Темур. Биз Амир Темур деганда, ўз даврида дунёга танилган улкан салтанатни, обод ва фаровон бўлган мамлакатни, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган маданиятни, бунёдкорликни, етук давлат тузумини назарда тутамиз.

Амир Темур тарих майдонига кирган вақтда юрт пароканда бир аҳволда эди. Бу элни бирлаштириш, ўзбошимча амирларнинг бошини қовуштириш, эзгу мақсадларга йўналтириш бандасининг қўлидан келавермайдиган иш. Лекин Амир Темурнинг улуғлиги шундаки, у Худо берган ақли, тиниқ идроки, онгини мана шундай қутлуғ ишларга йўналтирди ва жаҳон тан олган давлатни барпо этди.

Амир Темур ҳақида гапирганда ўзини эмас, ўзгаларни ўйлайдиган, ўз нафсини тия олган, меъёр туйғусини маҳкам тутган, инсоф соҳиби, «золимларнинг қўлини қисқа» (Амир Темур ибораси) қилган, адолат учун курашган, ўз халқи учун ота, катталарни оға, кичикларни фарзанд қаторида кўрган бетимсол инсон сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Унинг узугида "Куч – адолатда" деган сўзлар ўйиб ёзилган экан. Бу қутлуғ сўзлар давлат муҳрида ҳам ифодаланган. Чиндан ҳам Соҳибқирон бутун умри давомида давлат ишларида, оилада, дўсту душманлар орасида ҳам бу тамойилдан чекинмади. Адолатни маҳкам тутди. Адолат йўлида, тарихдан биламизки, ўз фарзандларини, яқинларини ҳам аямаган.

Мустақиллигимизнинг шарофати, Президентимиз Ислом Каримовнинг шижоати, узоқни кўриб юритаётган сиёсати туфайли тарихимизга бўлган қарашлар кескин ўзгарди. Энди биз, Юртбошимиз белгилаб берганидек, Амир Темурни, хорижий тарихчилар таърифларига қараб фақат саркарда сифатида эмас, балки биринчи галда жаҳон тарихида муносиб ўрин эгаллаган буюк давлат асосчиси, ўхшаши йўқ бунёдкор, илму фан ҳомийси сифатида ҳам биламиз ва шу нуқтаи назардан ўрганамиз. Бу она тарихимизга адолатли ёндашишнинг ёрқин тимсолидир.

— Маълумки, Амир Темур даврида мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини ўнглаш учун савдо-сотиқ ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Соҳибқирон бобомизнинг тадбиркорлик фаолияти ҳақида гапириб берсангиз...

— Соҳибқирон ҳазратлари ҳаётнинг турли жабҳаларида ўзининг фавқулодда истеъдодини, ишнинг кўзини биладиган зукко инсонлигини тўлиқ намоён этган. «Темур тузук»ларида келтирилган қуйидаги сўзлар Соҳибқирон шахсиятини тўла-тўкис акс эттириб турибди. «Тажрибамда кўрилганким, — деб ёзади Амир Темур, — азми қатъий тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир». Бу сўзларни нафақат Соҳибқироннинг, балки умуман ҳаётнинг дастуриламали деб айтишимиз мумкин. У ўзининг бутун фаолияти давомида мана шу сўзларга қатъий амал қилди.

8 »

ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўкламни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз — баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни аввалambор ҳар жиҳатдан тўкис, комил ва баркамол авлод тимсолида кўрамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизни баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иймонли-эътиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Она ва бола скрининг хизмати йўлга қўйилгани, соғлом оналикни таъминлаш, фертиль ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, озиқ-овқат таркибини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини мунтазам йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли изчил чора-тадбирлар соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилмоқда.

Ёшликда олган билим — тошга ўйилган нақшдир. Дарҳақиқат, инсон умрининг ёшлик йиллари ўқиш, изланиш, камолот сари интилиш палласи, бахт-саодат йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ мақсад-муддаоларни кўзлаган ҳолда тинимсиз илм ўрганиш, ижодий изланишда бўлиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Юртимизда ёшларимиз учун бу борада ҳавас қилса арзигулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1957 мактаб, 214 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи қурилгани ва реконструкция қилингани, улар энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлангани, спорт инфратузилмасига эга бўлгани, барча мактабларимиз ҳаётига Интернет тизими кириб боргани ёшларимизнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Спорт мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан ўзбекистонлик курашчилар бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медаль билан қайтгани, каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Теҳронда ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Жорий йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли вазифалар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, ҳаётга кириб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

...Муаззам саҳнада болалик завқини суриб, барчага сурур бахш этаётган жажжи болакайлар тимсолида бугун вояга етаётган ёшларимизнинг нурли, беғубор юзларига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишончимиз ортади...

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилганлар, етим-есир, бева-бечоралар, хастаю мухтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

Халқимиз бу йил ҳам боқий байрамимизни алоҳида тараддуд билан кутиб олди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди. Табаррук қарияларимиз, ота-оналаримизни эъзозлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч кимни эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий фазилатларимиз ривож топмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша эзгу ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан қарши олган. Халқ термалари, бахшилар айтиши, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, халқ ўйинлари, пойга, кураш, мерганлик, қўчқор, хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

...Фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари, аскияларда, лапар, ўлан, яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўз байрамининг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари намоён бўлади...

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Шу маънода, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу сайловлар сайловчиларимизнинг фаоллиги, очиқлик ва ошкоралик руҳида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганини жамоатчилигимиз, халқаро кузатувчилар кенг эътироф этди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаяверади, ҳаловатли халққа байраму сайиллар ярашади. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. Она Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш, жондан азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

...Саҳнада баралла янграётган мумтоз қўшиқлар, жозибали рақслар дилларни дилларга боғлайди, қалбларни фахрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсонни ва тинчликни улуғловчи моҳияти, халқимиз маданиятининг нақадар бой ва бетакрор эканлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади...

Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барака бўлади. Буни бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуримизни амалга ошириш натижасида 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришди. Ўтган йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили кўрилган амалий чоралар самарасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги машҳур беш тамойил нақадар пухта ва ҳаётийлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделига, Ўзбекистонда инқирозга қарши олиб борилаётган чоралар дастурига қизиқиш ортиб бормоқда. Буни Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг қисқа муддатда кўплаб хорижий тилларга таржима қилингани ва нашр этилганидан ҳам билса бўлади.

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйича 2009 йилда жами 22 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида 480 дан ортиқ янги корхона ташкил этилди. 217 километрли автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва кўплаб кўприклар капитал таъмирланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суръати вақтни-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли. Буни ҳис этиш учун пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшган, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир намоёнига айланган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишланган намунавий лойиҳалар асосида замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар қурилиши бошланди. Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда мазкур уйларнинг дастлабкилари ўз эгаларига топширилмоқда.

Юртимизда айём кунларида янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилмоқда, янги боғ-роғлар яратилмоқда.

...Саҳнада санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини тақдим этадилар...

Истиқлол йилларида миллий эстрада санъатимиз сифат жиҳатдан янги ривожланиш палласига кирди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъатини, жаҳон санъатининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларни кашф этиш учун яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

...Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, севги ва муҳаббат тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Она Ватан манзаралари

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида юртимиз ёш рассомларининг Наврўз байрамига бағишланган "Она — Ватан манзаралари" бадиий кўргазмаси очилди. Унда 100 га яқин ижодкорларнинг тасвирий санъатнинг пейзаж жанри асосида ишлаган суратлари намойиш этилмоқда. Муаллифлар ўз асарларида она юртимизнинг мафтункор манзараларини, баҳор мавсумининг сержило кўринишларини, замондошларимизнинг миллий урф-одатлари ва маросимларини, кундалик юмушларини рангли бўёқларда, беқиёс чизгиларда ифодалаган. Алишер ва Азамат Отабоевлар, Дилшод Эшматов, Элмурод Холиқбердиев, Ўктам Саидов, Нодир Ахмедзянов сингари ёш рассомлар, шунингдек, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий институтнинг истеъдодли талабалари ишлаган суратлар томошабинлар диққатини тортмоқда.

Кўргазма икки ҳафта давом этади.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири.

40 турдаги кийим-кечак тикилмоқда

Шовот туманидаги "Катқалъатекс" масъулияти чекланган жамияти цехларида ўнлаб чевар тикувчилар ёшларга мўлжалланган 40 турдаги кийим-кечак тикишаяпти. Пахтадан тикилган трикотаж маҳсулотлар вилоятнинг кўплаб шаҳар ва туманларида кенг харид қилинмоқда. Яқин вақт ичида маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш мўлжалланаётир. Шу боисдан корхона цехларини янги тикув дастгоҳлари билан жиҳозлаш, маҳсулотлар дизайнини такомиллаштириш, тикувчилар малакасини янада ошириш галдаги вазифалардан ҳисобланади. Бу ерда ишчиларнинг сифатли маҳсулотлар тайёрлаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Суд ижрочилигида янгилик

Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг малакаларини ошириш борасида ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, суд ижроси тизимини ташкилий ва тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича кўпгина аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Мазкур муассасанинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича хўжалик судлари, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилиб, ҳудудий бўлинмалар тузилмаси шакллантирилди.

Кадрлар заҳирасини қарор топтириш борасида суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди.

Икром НИЯЗМЕТОВ,
Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси кадрлар бўйича бош инспектори.

Ёрдам кўрсатилди

Улуғ айём — Наврўз байрами кунларида хайрли ишларни амалга оширишга эътибор янада кучаяди. Кам таъминланган, мухтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўни-қўшни, яқинларга кўмак бериш ҳаётимизнинг ёзилмаган қонунига айланган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида ҳам шу кунларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги 305 оилага моддий ёрдамлар берилди ҳамда Наврўз совғалари топширилди. Бу борадаги савобли ишлар йил бўйи давом эттирилиши кўзда тутилган.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Наврўз сайли — дийдор сайли

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Мирзакалон Исмоилий номли маҳалласида ҳам Наврўз кенг нишонланди.

— Маҳалла аҳли сумалак қайнаётган дошқозон атрофида йиғилиб, байрам чин маънода дийдор сайлига айланиб кетди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Қодирова. — Ҳар йили бу қутлуғ айёмни уюшқоқлик ва кўтаринки кайфиятда нишонлаймиз. Байрам сабаб аразлар унутилади, қўни-қўшнилар орасидаги меҳр-оқибат кучаяди.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бемор маҳалладошлар кўнглини сўраб, совға-салом ва байрам таомлари билан йўқладилар. Айниқса, 19 март куни ёзилган дастурхон атрофида маҳалла аҳли янада жипслашди. Туман маданият уйи ходимларининг концерти Наврўз сайлига ўзгача шукуҳ бағишлади.

Нилуфар ХИДИРОВА

Имкониятларни ошириш йўлида

Мамлакатимизда солиқ тизимини яхшилашга, ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2009 йил 30 октябрдаги ва Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида"ги 2009 йил 4 декабрдаги, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорлари солиқ сиёсатида туб бурилиш ясади. Бу ҳужжатларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларга ниҳоятда катта имтиёзлар яратилган. Масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилди. Шунингдек, пенсия жамғармасига ажратмалар ставкаси аввалги 2 фоиз ўрнига 1,5 фоиз, мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси эса 1,0 фоиз ўрнига 0,5 фоиз миқдорида, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз, мажбурий бадаллар суғурта ставкаси 4 фоиз миқдорида тасдиқланди. Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлаш ставкаси ҳам 1 фоизга пасайтирилди.

Айни пайтда мазкур қарорни аҳоли ва юридик шахслар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот қилиш ҳамда унинг ижросини кенг кўламли таъминлаш мақсадида туманимиздаги маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шеробод ЖЎЛИЕВ,
Шайхонтоҳур тумани ДСИ инъюба бошлиғи.

ЖАРАЁН

ЯШАШ ВА ЯРАТИШ ГАШТИ

Инсон фарзанди табиатан шундай: кўнгил деган нарсага ҳамиша ҳам, ҳамма нарса ҳам сиғавермайди. Турмуш носоз кечса, дунё торайиб боради. Ҳар куни тонг саҳарданоқ бугунги кун ташвишлари билан ўралашиб қоласан.

Бироқ ҳаётинг силлиқ кечаётган бўлса, болаларинг келажагидан, иқболидан кўнглинг тўғ ва руҳиятинг баланд бўлса-чи?! Юракка қайноғлик, жўшқинлик киради. Яшаш ва яратиш кўйига тушасан. Нималарнидир ўйлаб топсам, элу юрт ривожига мен ҳам муносиб ҳисса қўшсам, ҳаётимни янаям бойитсам, дейсан.

Демак, руҳий кўтаринкилик, изланиш ва бунёдкорлик туйғуси учун ҳам зарур муҳит ҳамда имкониятлар лозим экан. Ана шу ҳаётбахш манбаларни бизга истиқлолимиз, муҳтарам Юртбошимиз яратиб бердилар.

Бугунги Учкўприк илгарисидан таниб бўлмас даражада фарқ қилади. Туманимиз қишлоқларидаги ободончиликларга, халқ таълими ёхуд соғлиқни сақлаш дейсизми, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ёйинки истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқларига боқасизми, барчасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўласиз. Одамларимиз энди илгаригидек пастқамроқ, примитив уйларда эмас, балки янаям замонавий ва шинамроқ хонадонларда яшашни, у ер-бу ерга ўз автомашинасида чиқишни ёқтирадиган бўлиб қолишди. Гўдагидан тортиб кексасигача кийинишлар ҳам бошқача. Энг замонавий қиёфадаги боғлар, мактаблар ва коллежларга қатнаётган янги авлод наслларининг хушнуд ва чароғон чеҳраларига боқиб, завқингиз тошади.

Буларнинг барчаси юқорида айтганим — халқнинг фаровонлик даражаси тобора ортиб бораётганида, кўнгил энди осуда ва маъмур турмуш тарзидан тўқлиги, шу боис ҳам дилларда кўтаринкилик, яшаш ва яратиш гашти, бунёдкорлик завқи жўш уриб турганидадир.

Қишлоқларимиз аҳолисида илгариги боқимандалик кайфияти барҳам топган. Ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарган. Омилкорлик ва тадбиркорлик йўли билан турмуш шароитини истаганча яхшилаб бориш мумкинлигини деҳқонларимиз тушуниб етишди. Бунинг учун давлатимиз зарур бўлган барча имкониятлар эшигини очиб қўйибди. Фақат бошни қотириб, тўғри иш тутсанг, бас.

Туманимиз фермер-деҳқонлари, айниқса, кейинги тўрт-беш йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришдилар. Фермерларимиз эндиликда давлатга пахта, ғалла, пилла ва чорва маҳсулотлари сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини ошириб бажарадиган бўлди. Томорқаларимизда эса ҳар қарич ердан унумли фойдаланишнинг сирларини ўзлаштириб бормоқдамиз.

Президентимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ички бозорни тўлдиришга қаратилган қарорлари асосида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилганидан хурсандмиз. Масалан, "ДНМ" агрофирмаси томонидан сутни қайта ишловчи цехлар, "Учкўприк нафис маҳсулотлари" хусусий ишлаб чиқариш фирмасида эса 200 миллион сўмлик кредит ҳисобига гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи технологиялар ишга туширилди.

Шунингдек, паррандачиликка ихтисослашган иккита фермер хўжалигимиз фаолият юритиб турибди. Жумладан, "Ҳакимбой" фермер хўжалигида 22 минг бош, "Собиржон ариқ бўйи" фермер хўжалигида эса 14 минг бош парранда боқилмоқда. Улар ҳар ойда 650-700 минг донадан тухум етиштирмоқда. Булардан ташқари, туманимизда бешта йирик иссиқхона ишлаб турибди. "Парвоз" хусусий фирмасига 40 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омбор қуриш ва мева-сабзавотларни қуритиб-қадоқлаш учун 13 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратиб берилди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Биргина ўтган йилнинг ўзида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бўйича режадагидан анча зиёд — 9 миллиард 851 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланганининг ўзи туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қанчалик катта эътибор қаратилаётганининг исботидир.

Юртимизда "Баркамол авлод йили" деб номланган 2010 йилда туманимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва бунинг учун тадбиркорлар сафини кенгайтириш масалаларига янаям катта эътибор берилмоқда. Туман бўйича иқтисодий ривожланишнинг жорий йил учун назарда тутилган вазифалари дастурида мазкур масалалар конкрет мисолларда ўз аксини топган. Улар орасида хорижий инвестицияни жалб этган ҳолда қўшма корхоналар яратиш, бюджет маблағи ва ҳомийлик кўмаги ҳисобидан ишлаб чиқариш цехларини барпо этиш, янги-янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган самарабахш тадбирлар алоҳида жой олган.

Шу ўринда, туманимиздаги руҳий кўтаринкилик ва ижобий изланишлар суръатининг изчил юксалиб бораётганига далил сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Яқин йилларгача туман ҳокимлиги қабулига арз билан кирувчиларнинг аксарияти кимларнингдир айби билан юз бераётган у ёки бу адолатсизлик хусусидами ёхуд бирон моддий кўмак масаласидами мурожаат қилишарди. Эндиликда, аксинча, қабулимизга келувчиларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишдаги айрим тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ ёки турли хил тадбиркорлик таклифлари ёйинки янги технологиялар сотиб олиш учун кредит маблағлари масаласида келишмоқда. Улардан айримларини мисол келтирай: тадбиркорлик субъектларидан Ҳафиза Акбарова ички ва ташқи бозорга цементни қадоқлаб чиқариш, Шуҳрат Маматов пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ҳамда метан гази қуйиш жиҳозларини сотиб олиш, Давлат Тошбоев кислород ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Неъматилла Асатиллаев қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини барпо этиш, Оминахон Зияева болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар ҳамда чармдан спорт анжомлари ишлаб чиқариш, Баҳром Ҳамдамов жаҳон андозаларидаги йўл ҳаракати белгилари ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари билан ҳокимлик қабулида бўлишди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундай олижаноб таклифлар тез орада амалдаги иш дастуримиздан жой олади. Энг муҳими бу каби ташаббуслар замирида кишиларимиз қалбидан тобора кенгроқ жой олаётган эзгу ниятлар ва яратувчанлик иштиёқи мужассам.

Фурсатдан фойдаланиб, яшариш ва янгиланиш айёми — мўътабар Наврўз билан халқимизни, камол топаётган навқирон авлодни чин дилдан қутлайман. Омад ва саодат барчамизга йўлдош бўлсин.

Ғайратжон ТУРҒУНОВ,
Фарғона вилояти Учкўприк тумани ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ЖИҒИЛДОНГА АЙЛАНГАН ВИЖДОН

Қашқадарё вилояти Нишон тумани ички ишлар бўлими биноси олдида юз берган воқеа ён-атрофдаги йўловчиларнинг эътиборини тортди. Фуқаро кийимидаги бир неча киши "Тико" русумли автомашинанинг эгаларини сўроққа тутарди. Шу тобда кўпчилик бирор жиноятчи қўлга олинган бўлса керак, деб ўйлаган бўлиши табиий. Аммо қизиқиши устун келиб, воқеа жойига яқинлашган кишилар ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлишди. Ҳайратда қолишди. Негаки, сўроққа тутилаётганлар ички ишлар бўлими тергов бўлинмасининг бошлиғи Нормўмин Ризаев ва катта терговчи Шоҳруҳ Турсуновлар эди. Во ажаб, милиция ходимлари ҳам қабиҳ ишларга қўл уриши мумкинми? Афсуски, ҳаётда шундай воқеалар ҳам учраб тураркан. Юқорида номлари айтилган айбдорлар хизмат ваколатидан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб, таъмагирлик жиноятини содир этаётган пайтда МХХнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

Ўтган йилнинг 25 июнида фуқаролар Жавохир Норманов ва Алексей Камаров ўзбошимчалик билан "Сув ҳавзалари" МЧЖга тегишли қайиқда Таллимаржон сув омборидан балиқ овлаётган вақтда қайиқ ағдарилиб кетиб, улардан бири — Ж.Норманов сувга чўкиб кетади, А.Камаровни эса балиқчилар қутқариб қолишади. Маҳкур ҳолат бўйича Нишон тумани ИИБ томонидан 2009 йилнинг 9 августида Жиноят кодексининг 257-, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш моддасининг 2-қисми "а" банди билан "Сув ҳавзалари" МЧЖ назоратчиси Холиқназар Раупов га нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Терговни олиб бориш эса Нишон тумани ИИБ катта терговчиси Ш.Турсуновга топширилади. Аммо у тергов ҳаракатларини қонун доирасида олиб бормай, ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Вазият шу даражага бориб етадики, Ш.Турсунов иш бўйича на гувоҳларни, на айбланувчини сўроқ қилади. Яъни фуқаролар З.Тоғаева, А.Камаров, А.Атамуродов, Ж.Ҳусинов, Ш.Турдиев ва З.Қиёмовларни терговга чақирмай ва сўроқ қилмай туриб, иш юзасидан сохта сўроқ баённомаларини тўлдиради ва ҳужжатларни қалбакилаштиради. Ҳатто фуқаро Х.Рауповни жиноят ишида гумон қилинувчи шахс сифатида жалб этиш бўйича чиқарилган қарор билан таништирмайди ҳам. Тергов ишининг "Сув ҳавзалари" МЧЖ бошлиғи З.Қиёмов ва бошқаларга нисбатан бўлган қисмини тугатиш тўғрисидаги қарор на жабрланувчига, на айбланувчига ва на уларнинг ҳимоячиларига эълон қилинади. Х.Рауповнинг кўрсатма беришича, у 2009 йилнинг 15 сентябрида ички ишлар бўлимига чақиртирилганидан сўнггина унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганини билади.

Ўшанда терговчи у билан номигагина наридан-бери гаплашиб, иши кўплигини ва керак бўлган вақтда яна чақиртиришини айтиб, уни қўйиб юборади. 26 сентябрь куни эса Х.Раупов яна терговга чақиртирилади. Бу гал терговчи Ш.Турсунов унга Жиноят кодексининг тегишли моддасини кўрсатиб, "Сизни беш йилга қаматиб юбораман", — дея дўқ-пўписа қилади. Табиийки, қамалиб кетишидан чўчиган Х.Раупов марҳум Ж.Нормановнинг вафотида айби йўқлигини айтиб, ўзини оқлашга уринади. Шунда Ш.Турсунов уни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олмай, жиноят ишини 2009 йилнинг 28 августида Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тугатиш учун судга илтимоснома киритишга ваъда беради. Аммо терговчининг бу "яхшилигини" Х.Раупов икки минг АҚШ доллари билан қайтариши лозим эди. Пулнинг миқдорини эшитган Х.Раупов бунча пул топиб беришга имконияти йўқлигини айтади. Лекин терговчи "борига шукур" қабилида иш тутиб, бир ярим минг АҚШ долларига аранг кўнади ва бошқа камайтирмасликни, йўқса қамалиб кетишини Х.Рауповга эслатиб қўяди. Хайрлашар чоғида терговчи талаб қилинаётган пул бир ўзига тегишли эмаслигини, бунда бошлиғининг ҳам "улуши" борлигини айтади.

Бўлиб ўтган воқеаларни ўзича мушоҳада қилган Х.Раупов терговчининг тузоғига тушиб қолганини англайди ва унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида вилоят МХХ бошқармасига ариза билан мурожаат этади. Бу пайтда Н.Ризаев ва Ш.Турсуновлар эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тугатилиши лозим бўлган жиноят ишлари рўйхатига Х.Раупов ишини киритишни ҳам, киритмасликни ҳам билмай туришарди. Чунки ушбу рўйхатга Х.Раупов иши киритилса-ю, у талаб қилинган пулни келтириб бермаса-чи? Унда терговчилар қуруқ қўл билан қолишади-ку! Шу сабабли қонун ҳимоячилари ишни тугатиш масаласини пайсалга солаверишади. Аммо мазкур ишни рўйхатга киритмаслик ҳам мумкин эмасди. Сабаби, жиноят иши қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тугатилиши лозим эди. Шунинг учун Н.Ризаев гарчи Х.Рауповнинг иши судга юборилган бўлса-да "2009 йил сентябрь ойида амнистия қарорига асосан судга юборилган жиноят ишлари рўйхати"га киритиб, ўз ҳисоботида жиноят иши судга юборилгани тўғрисида сохта маълумотни қайд этади.

2009 йилнинг 1 октябрида эрталаб туман ИИБга келган Х.Раупов терговчига қўнғироқ қилиб, 1000 АҚШ доллари олиб келганини ва идора яқинидаги болалар боғчаси олдида кутиб турганини айтади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Н.Ризаев ва Ш.Турсунов "Тико" русумли автомашинада учрашув белгиланган жойга етиб келишади. Аммо виждони жиғилдонга айланган таъмагирларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Улар Х.Рауповдан пулнинг бир қисмини олиб, ИИБ биносига қайтиб келишаётганда МХХ ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди Н.Ризаев ва Ш.Турсуновга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ўрганиб чиқиб, жиноятчиларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-ҳамда 210-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Тўпланган ашёвий далиллар ўрганилиб, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланиб, Н.Ризаевга ўн йилу олти ой, Ш.Турсуновга эса ўн бир йил қамоқ жазоси тайинланди. Шунингдек, уларнинг ҳар бири икки йил мансабдор ва моддий жавобгар бўлиб ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ш.ЖУМАЕВ

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

АКС-САДО

√ ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВЧИМИ?

“Ҳуқуқ ва сўз масъулияти” (“Hurriyat”, 2010 йил 1 январь) мақоласини ўқиб...

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати раҳбари 2009 йил давомида марказий матбуотда чоп этилган 87 та танқидий мақолада тилга олинган ҳолатлар бўйича текширув-суриштирув ўтказилгани ва уларнинг бир қисми тўғри экани, бир қисми эса нохолис танқидлар экани ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган эди. Унда, жумладан, шундай ёзган:

“Танқидлар сони камми ёки кўпми? Бу журналистларга тааллуқли савол...”

Саволга менинг жавобим қуйидагича: оммавий ахборот воситаларида, матбуотда танқид кам, керагидан ҳам кам. Юртимизда қалам аҳлининг ижодини, ҳуқуқ ва бурчини ҳимоя қиладиган бир неча қонунлар қабул қилинган. Шундай экан, нега ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар ўз мажбуриятларини адо этишга журъат топа олмаяпти? Сабаби аён: гарчи цензура қонунан бекор қилинган бўлса-да, афсуски, аксарият журналистлар, ҳатто айрим таҳририятларнинг раҳбарларида ҳанузгача ҳадиксираш, ўзини ўзи назорат қилиш сақланиб қолмоқда. Аслида журналист ҳуқуқ ва сўз масъулиятини теран ҳис этиб, ўз мажбуриятини бажариши шарт, назаримда.

Мақолада муаллиф: “Текширувлар натижаси қандай? Бу саволга бемалол “Аввалги йилларга қараганда — ижобий”, — деб жавоб бериш мумкин. Сабаби танқидий мақолаларнинг ҳар тўрттасидан учтаси ўз тасдиғини топмоқда”, — деб ёзади. Бу қувонарли ҳол, албатта. Истардимки, биз журналистлар билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти янада мустаҳкамланса... Шунда матбуотда танқидий мақолалар сони янада кўпайиши билан бирга халқнинг ОАВга бўлган ишончи ҳам янада ортарди.

Бир вақтлар муҳарририятимизда амалиёт ўтаган талаба менга шундай савол берганди: “Журналист текширув ўтказадими?” Унга Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига кўра, журналист мурожаатлардан ва бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёки ўзи гувоҳ бўлган воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга ҳақли эканини тушунтирдим. Шу билан бирга, унга бу текширув тергов ва суд жараёнига таъсир қилмаслиги шартлигини, муайян ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишга ҳақли эканини билдирдим.

Адабиётдан кўра журналистика билан шуғулланиш қийин. Дейлик, газета бош муҳаррири топшириғи билан қонун доирасида текширув ўтказиш осон дейсизми? Файриқонуний қилмишини очиб, фош бўлиш, сирларини ошкор этиш кимга ҳам ёқарди? Биласизми-йўқми, текширувга қадар журналистик қидирув, изланиш, қаҳрамонлар билан учрашув, суҳбат, савол-жавоблар жараёни босиб ўтиладики, бу, албатта, тез ва осон кечавермайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, баъзида журналистнинг терговчи, жиноят қидирув бўлими ходими сингари фаолият юритишига тўғри келади. Ҳакамлар каби иш юзасидан хулоса чиқариб, бир қарорга келади. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги қонунлари борки, “тўртинчи ҳокимият” ходимлари ҳамиша ўз фаолиятида ана шу қонунлар талабидан келиб чиқиб иш тутишлари жоиз.

Аммо амалда ундай бўлмаяпти. Барча журналистлар ўз мажбуриятларини қонунларга таянган ҳолда сидқидилдан адо этишаяпти, дея олмаймиз. Бу эса танқиднинг кам чоп этилишига олиб келмоқда. Фельетон жанри эса деярли истеъмолдан чиқиб кетмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари жамиятда эришилган ютуқларни тарғиб этиш баробарида, унинг ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликлар ва иллатларни холисона ёритиши кераклигини кўп таъкидлайди. Шундай экан, биз журналистлар ўз мажбуриятимизни бажаришда, фикр-мулоҳазаларимизни билдиришда холисликни, инсон шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлишни унутмаслигимиз лозим.

Ёзувчи, шоирлар асарлари билан, рассомлар расмлари билан, санъаткор-қизиқчилар ичакузди чиқишлари билан, журналистлар эса холисона танқидий мақолалари, фельетонлари билан оммавий ахборот воситаларида кўп ва хўб чиқишлар қилишса, юксалиб бораётган Ватанимизнинг гуркираб ўсишига муносиб ҳиссаларини қўшган бўлишарди.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
фахрий радиожурналист

НАШР

Журналистиканинг ривожида ОАВ вакилларининг ўзаро фикр алмашувлари, баҳс-мунозаралари ва соҳага доир янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришларининг алоҳида ўрни бор. Ана шундай фикрлар минбари вазифасини бажариб келаётган даврий нашр — “Ўзбекистон матбуоти” журналининг 2010 йилдаги 1-сони босмадан чиқди.

Журналнинг янги сони

Рангли-безакли нашрнинг ушбу сонида турли рукнлар остида эълон қилинган материалларда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳиятини кенг ёритишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, “Тараққиёт оша фаровонлик сари” деб номланган таҳлилий мақолада ўтган йили юртимизда қўлга киритилган ютуқлар, “Баркамол авлод йили”да режалаштирилган ишлар ҳақида сўз боради. Кейинги саҳифаларда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолияти билан боғлиқ янгиликлар эълон қилинган. Адабиётшунос Султонмурод Олим ва академик Азиз Қаюмовнинг “Маънавият” рукни остида чоп этилган “Шоирлар султони” ҳамда “Бори элга яхшилиғ қилғилки...” номли адабий мақолалари муштарийларни бефарқ қолдирмайди. “Матбуот” рукнида нашр этилган мақолалар мамлакатимиз ОАВ фаолияти билан боғлиқ долзарб масалаларни ёритишга бағишланган. Инчунун, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовнинг “Миллий матбуотимизда янги босқич”, Зоир Тоҳировнинг “Тилга эътибор — элга эътибор” номли мақолалари миллий матбуотимиз равнақи йўлида хизмат қилиши шубҳасиз. Бундан ташқари, “Эҳтиром” рукнида берилган “Таржимонлар сардори”, “Бобохоновлар сулоласи” ва “Ярим аср дарси” каби мақолалар алоҳида эътиборга лойиқдир. Жаҳон адабиётининг пешқадам намояндалари ижодидан намуналар ҳам журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши муқаррар.

Зуҳал РЎЗИЕВА

?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

1. Савол бироз мураккаброқ. Уни соддалаштириб, матбуотимизни янада ривожлантириш мезонлари, замон талаби даражасига кўтариш шартлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, қатор муаммолар хаёлга келади. Аввало, олий ўқув юртларида журналист кадрлар тайёрлаш масаласини доимий ўрганиб, тадқиқ этиб, такомиллаштириб бориш зарур, деб ўйлайман. Бу борада кейинги пайтларда маълум чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо матбуот зиммасидаги бугунги масъулият, энг илғор халқаро тажрибалар асосида журналист кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда. Мамлакатимиз, халқимиз манфаатини ҳимоя қила оладиган билимли, қатъиятли, курашчан, жасоратли журналистларга эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда.

2. Қайси матбуотлигидан қатъи назар, танқид, аввало, асосли ва холис бўлмоғи шарт. Бунинг учун масала ҳар томонлама чуқур ўрганилиши, етарли даражада ҳужжат ва манбалар тўпланиши, таҳлилий хулосалар чиқарилиши зарур.

Холислик эса фақат ҳақиқат томонида бўлмоғи, ҳақиқат эса ҳар қандай дўстлик, таниш-билишчилик ва ҳоказолардан устун турмоғи лозим.

Бугунги матбуотимизда танқидий-таҳлилий мақолалар озлиги сир эмас. Ислоҳотларга, демократик жараёнларга тўсиқ бўлаётган хато-камчиликларни танқид қилишда баъзан маҳорат, баъзан қатъийлик, журъат, изчиллик етишмаётир. Буни тан олиш ўрнига ўзимизни оқлаш учун аллақандай баҳоналарни ўйлаб топаяпмиз.

Танқид муаммонинг ечимини топишга, одамлар ва жамият манфаатини ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак. Афсуски, бу борада юзакичилик, нохолислик ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар матбуоти «ҳамон тиш-тирноқсиз» бўлиб қолаётганини танқид қилди. Бу эътироз бошқа матбуот нашрларига ҳам тааллуқли эканини англаб турибмиз. Жамиятдаги камчиликларни дадил фош этиш, матбуотимизнинг таъсир кучини ошириш, чинакам «тўртинчи ҳокимият» даражасига олиб чиқиш учун қонуний асослар яратилган, мамлакат раҳбари журналистларни фаолроқ, дадилроқ, довюрак бўлишга даъват этиб, қўллаб-қувватлаб турган бўлса, биз яна нимани кутаяпмиз, деган савол бугун барчамизни безовта қилиши керак, деб ўйлайман.

3. Иш фаолиятим газеталаримиз савиясига қараб баҳоланишини яхши биламан. Газетанинг ҳар бир сони бир синов, бир мактаб... Бу узлуксиз жараёнда ҳар гал нимадир янгилик топасан, нимадир ўрнига тушмаганини англайсан. Газетанинг навбатдаги сони ҳар қачонгидан яхши чиқишини ният қиласан...

Ҳозир ҳаёт кўндаланг қўяётган вазифаларга қилаётган ишимизни таққослаб кўрсак, фаолиятимиздан кўнглимиз тўлмайди, албатта. Газеталаримиздан қачонки ўқувчиларнинг кўнгли тўлса, демак, ёмон ишламаётган эканмиз, дейишга ҳақли бўламиз. Ҳозирча эътирофдан кўра кўпроқ эътирозлар эшитаётганимиз бор гап. Ана шу аччиқ ҳақиқатдан хулоса чиқариб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Сафар ОСТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири

Урганчдаги 6-сонли мактаб-интернат жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини эзгулик ва баҳор айёми — НАВРЎЗ байрами билан чин юракдан табриклайди. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Меҳнатсевар халқимиз ва она юртимизнинг келажаги Наврўздек фусункор ва тароватли бўлаверсин!

КИНОТАҚРИЗ

√ Инсон — энг олий тилсим

Инсоният яралганидан буён неча замонлар ўтибдики, у ҳануз ўзини танишга уринади. «Ичиндаги ичиндадур», дея лутф қилган Мавлоно Румий ҳам, бу йўлда не-не машаққатларга дуч келган Л.Толстой ҳам одамзотни тўла англай олишмаганини таъкидлашган. Хўш, ўзи инсон ким? У қандай мавжудот? Унинг руҳий оламини тўла ўрганиш мумкинми?



Қ и н д а премьераси бўлиб ўтган “Учар қиз” (режиссёр Ёлқин Тўйчиев) номли фантастик комедияда ҳам юқоридаги саволларга баҳоли қудрат жавоб изланади. Фильмнинг бошланиш қисми шундай:

Қишлоқда яшовчи оилалардан бири. Бу оиладаги қиз фарзандлар ўқимишли, билимдон. Аммо кенжа ўғил анчайин хаёлпараст, боз устига отасидаги дудуқлик ҳам қон орқали ўтган. У автобусда чиптачи бўлиб ишлайди. Аммо юқоридаги айблари боис “ўз ҳисобидан бир ой таътилга чиқарилади”. Йигит таътил даврида анчадан бери ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришади. Ўзи ясаган ускуна билан ярим тунда сой бўйига чиқиб, ўзга сайёраликларни қидиради. Шу пайтда бехосдан осмондан бир қиз учиб тушади. Буни қарангки, инсон ўзини ўзи англашга ожизлик қилиб турган бир пайтда коинотда яшовчи бу қиз одамзотнинг руҳиятини ўрганишга жазм қилган экан...

Хуллас, фантастика ва комедия руҳидаги бу фильмда эътиборга молик бир қанча жиҳатлар мавжуд. Энг аввало, киноасарда фақат муҳаббат мавзусининг талқин этилиши билан кифояланилмай, умуминсоний масалалар ҳам ўзига хос тарзда очиб берилганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, ўғлининг хонасида бегона қиз борлигини пайқаган ота-она жанжал кўтаради. Бу жанжал бора-бора оилавий можарога айланади. Дудуқлиги устига бир оёғи оқсоқ бўлган эр (бу ролни таниқли актёр Фарҳод Абдуллаев маромига етказиб ижро этган) ўзининг “келишган, гўзал” эканини, агар аёл бўлиб туғилганида ундан ўтадигани бўлмаслигини айтиб, аёли унинг қадрига етмаётганидан гина қилса, унинг рафиқаси (ўзига хос ижро йўлига эга актриса — Саида Раметова) эса аслида эркак бўлиб туғилганида бундан яхшироқ яшаётган бўлишини пеш қилади. Бу гапларни эшитиб турган ўзга сайёралик қиз уларни ниятларига етказади. Яъни эркак ўз аёлига, аёл эса ўз турмуш ўртоғига айланиб қолади. Аммо бир қанча ташвишлару ноқулайликларга дуч келган эр-хотин, охир оқибат, Яратганнинг эҳсонига шукур қилмоқ лозимлигини англаб етишади.

Маҳалладаги айрим аёлларнинг ғийбатга ўчлигини намойиш этиб берувчи деталлар ҳам жуда маҳорат билан танланган. Масалан, бир янгилик содир бўлган заҳоти уяли телефонларини қўлга олиб, бири танишбилишига қўнғироқ қилса, бошқалари SMS — хабар жўнатишга шошилишади. Самимий юмор остига олинган ғийбатчилик иллати ҳам ўзига хос усулда очиб берилган.

Фильм ниҳоясида ўзга сайёралик қиз гарчи инсонни англаш учун бор имкониятини ишга солган бўлса-да, уни умуман тушуна олмаганига иқрор бўлиб, тушкунликка тушади. У инсонларнинг нега ўз хоҳишига қарши иш қилиши-ю, уят, андиша ниқоби остида ёлғон гапиришини, уларнинг аслида нима истаётганларини ўзлари ҳам билишмаслигини айтади ва одамзотни англашга бўлган барча уринишлари аслида хато бўлганини тушунади.

Сирасини айтганда, фильмдаги бир қанча диққатга сазовор жиҳатларни тилга олиш мумкин. Аммо ҳар қандай яхши ишда ҳам бироз камчилик бўлганидек, ушбу киноасар ҳам жузъий нуқсонлардан ҳоли эмас. Баъзи ўринларда ўзбек киносининг маълуму машҳур айрим фильмларидан таъсирланганлик руҳи сезилиб туради. Мисол учун, “япон хотинингиз” деган ибора “Суюнчи” фильми орқали кино шайдоларига яхши таниш. “Учар қиз”да такрорланган шу гап кўпчиликка эриш туюлиши табиий.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, бу фильм ўзбек киносидаги яна бир ижобий янгилик сифатида баҳолашга арзийди. Унинг ижодкорларини, умуман, барча кино мухлисларини янги кино асар билан табриклаймиз.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
“Hurriyat” мухбири.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

БОШ ВАЗИРНИНГ ТАЛАБИ

Ироқ бош вазири Нури ал-Малики яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларидаги бюллетенларни қайтадан санашни талаб қилди. Бу ҳақда бош вазир матбуот хизматининг расмий баёнотига асосланиб, AFP хабар тарқатди.

Гап шундаки, шу пайтгача 92 фоиз бюллетенлар санаб бўлинди. Ҳозирча бош вазирнинг "Қонун давлати" альянси собиқ бош вазир Ияд Аллави блокидан 8 мингта кам овоз олган.

Собиқ бош вазир тарафдорлари Ал-Малики талабини сайлов комиссиясига тазйиқ, деб баҳолади. Ал-Малики сал олдинроқ журналистларга интервью бериб, сайлов ҳеч қандай қонун бузилишларисиз ўтганини айтган эди.

Эслатиб ўтамиз, парламентдаги 325 ўринга 6 минг номзод даъвогарлик қилмоқда.

«УЛУЙ» КЕЛТИРГАН ТАЛАФОТ

Австралиянинг шимолий қирғоқларига "Улуй" циклони етиб келди. News.Com.Au хабарида айтилишича, Саффир-Симпсон шкаласи бўйича учинчи категорияни ташкил этган циклон қитъанинг Квисленд штатидаги Эрли-Бич шаҳригача етиб борган. Табиий офат туфайли 60 минг хонадон электр энергиясиз қолган. Штатдаги аэропортларда самолётлар парвози тўхтатилган.

Матбуот хабарларида айтилишича, шамолнинг тезлиги соатига 200 километртни ташкил этган. Аҳоли ўз вақтида огоҳ этилгани учун табиий офатдан жиддий талафот кўрмади.

ШАҲАРДА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, якшанба куни эрталаб Хитой пойтахти Пекинга шимоли-ғарбдан чанг бўронлари бостириб келган. Кучли шамол туфайли самога кўтарилган қум зарралари қуёш юзини тўсиб қўйган. Пекин метеохизмати вакиллари ҳавонинг зарарланиш даражаси 5 баллни ташкил этганини эълон қилишди. Мутахассисларнинг айтишича, камдан-кам ҳолатларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси шундай кўрсаткичга етади.

Шаҳар аҳолисига ташқарига фақат дока ниқоб билан чиқиш тавсия этилди. Шу боис кўпчилик табиий офат пайтида уйида ўтирди. Чанг бўронлари Ганьсу ва Цинхай, Синьцзян-Уйғур ҳамда Нинся-Хуэй автоном туманларидан келган.

ВАШИНГТОНДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Вашингтонда кўпминг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ҳукуматдан Афғонистон ва Ироқдан АҚШ қўшинларини олиб чиқишни талаб қилишди.

Митинг иштирокчилари Оқ уй ёнида тўпланиб, пойтахтнинг марказий кўчалари бўйлаб намойиш ўтказишди. Улар Барак Обамани

Жорж Буш даврини унутиб, асосий эътиборни мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий масалаларга қаратишга чақиришди.

Намойиш пайтида 8 киши полиция талабини бажармагани учун ҳибсга олинди. Турли урушлар фахрийлари, шунингдек, машҳур актёрлар намойиш ташаббускорлари бўлишди.

ТЕРРОРЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Озарбойжон махсус хизмати ходимлари 49 кишини террорчилик актларини амалга оширишга тайёргарлик кўришда айблаб, қамоққа олди. Улардан катта миқдордаги қурол ва ўқ-дори топилган.

Мамлакат миллий хавфсизлик вазирлиги раҳбари Элдор Маҳмудовнинг айтишича, қўлга олинган 49 фуқаронинг 31 нафари диний-радикал гуруҳлар аъзоларидир. Қолганлари эса буюртма қотилликларни амалга оширадиган жиноий гуруҳ вакиллари ҳисобланади.

Вазир мамлакат ҳудудида кўплаб хорижий давлатлар махсус хизматлари агентлари ҳам фаолият кўрсатаётганини, уларнинг 25 нафари қўлга олиниб, 17 нафари устидан суд жараёни бўлиб ўтганини таъкидлади. Маълумотларга қараганда, Озарбайжон ҳудудида "Ал-Қоида" ва бошқа террорчилик гуруҳлари аъзолари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

ЙЎЛБОШЧИЛАРДАН БИРИ ЎЛДИРИЛДИ

Сомалида "Ал-Шабаш" радикал

ислом гуруҳи йўлбошчиларидан бири Шайх Дауд Али Ҳасан ўлдирилган. BBC News хабарига қараганда, у мамлакатнинг каттагина қисмини, жумладан, пойтахт Могадишони ҳам назорат қилиб турган.

Хабарда таъкидланишича, Али Ҳасан Кисмайо порт шаҳридаги мачитларнинг биридан чиқиб кетаётганида ниқобдаги уч киши унга яқинлашган ва бир нечта ўқ узган. Натижада у воқеа жойида ҳалок бўлган.

Ҳужум қилганлар қандай гуруҳга мансуб экани ҳозирча номаълум. Айрим хабарларда айтилишича, бир неча киши қуролли ҳужумда айбланиб қамоққа олинган.

ЮЗТА РЕЙС КЕЧИКТИРИЛДИ

Японияда юз берган ноқулай обҳаво туфайли Japan Airlines All Nippon Airways авиакомпанияси 100 та рейснинг учишини кечиктирди. Натижада 15 минг нафар йўловчи аэропортларда қолиб кетди.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларида шамолнинг тезлиги сониясига 38 метрни ташкил этди. Китакюсю шаҳрида бир киши ҳалок бўлган. Мамлакатда жами 38 киши табиий офатдан турли даражада тан жароҳати олган. Айрим жойларда қум бўронлари туфайли йўлларда машиналар тўхтаб қолган.

SIEMENS ХОДИМЛАРИНИ ИШДАН БЎШАТМОҚЧИ

Германиянинг Siemens концерни 4200 ходимини ишдан бўшатишини маълум қилди. Бу ҳақда концеррнинг расмий сайтида хабар берилган. Ходимларни қисқартиришнинг деярли ярми Германиядаги заводларда амалга оширилади. Сал аввалроқ концерн минг нафар ишчи ўрнини қисқартираётгани хабар қилинган эди.

Расмий баёнотда концернни қайтадан ташкил қилиш учун 2012 йилгача 500 миллион евро сарфланиши ва 4200 ходим ишдан бўшатилиши айтилган.

Siemens машинасозлик, транспорт, энергетика ва тиббиёт жиҳозлари, шунингдек, маиший техника ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик концернлардан бири ҳисобланади. Концерннинг жаҳондаги заводларида 405 минг нафар ишчи меҳнат қилади.

ЖАҲОН БАНКИДАН ҚАРЗ ОЛМОҚЧИ

Россия ҳукумати Шимолий Кавказ федерал округи маҳаллий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун Жаҳон банкидан 200 миллион доллар кредит олишга қарор қилди. Минтақалар вазирлиги раҳбари Виктор Барсагиннинг айтишича, жорий йилнинг 1 июлига қадар ушбу масала бўйича Россия ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида шартнома имзоланади.

Бундан сал олдинроқ мамлакат президентининг Шимолий Кавказ федерал округи бўйича махсус вакили Александр Хлопонин Россия Жаҳон банкидан 20 миллион доллар кредит олишини маълум қилган эди.

Шимолий Кавказ федерал округи таркибига Алания, Доғистон, Ингушетия, Кабардин-Болқор, Карачаево-Черкесия, Чеченистон республикалари ва Ставрополь ўлкаси киради. 9,2 миллион аҳоли истиқомат қиладиган ушбу ҳудуд илгари Жанубий федерал округга қарар эди.

ҲАР ЙИЛИ 70 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Украина иқтисодини модернизация қилиш учун ўн йил давомида йилига 70 миллион доллардан маблағ керак бўлади. Бу ҳақда Украина бош вазири Николай Азаров маълум қилди. "Агар биз шунга эриша олсак, мамлакат ривожланиш йўлига киради. Ҳозир Украинада ривожланиш учун етарли шароит бор. Ҳокимиятнинг барча бўғинлари бир жамоа бўлиб ишлашга тайёр", — деди у.

2009 йилда Украина бюджетидаги камомад 10 миллиард долларни ташкил этди. Бу камомадни ҳукумат кредит ҳисобига бартараф этишга ҳаракат қилди. Бош вазир ўринбосари Сергей Тигипконинг айтишича, 2010 йилда ҳам бюджетдаги камомадни ёпишга 4,3-5 миллиард доллар миқдорида кредит керак бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

NBU МИЛЛИЙ БАНК: тадбиркорлик ривожи учун рағбат

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу ҳолат ҳозирги ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётида кичик бизнес касб этган аҳамият билан боғлиқ. Аввало, ушбу молия тизими бозордаги, истеъмолчилар талабидаги ўзгаришларга тезда мослашиш хусусиятига эга. У рақобат муҳитини ҳам шакллантиради, бусиз эса бозор иқтисодиёти тараққий эта олмайди. Шунингдек, кичик бизнес янги иш ўринларининг жадал яратилишини, аҳоли бандлигининг ўсишини, даромадларининг ортишини таъминлайди ҳамда ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятида асосий ўринни эгаллаши ҳам кўп марта қайд этилган.

Молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига молиявий ресурслар ҳамда хизматларни тақдим этиш, шунингдек, аҳоли кенг қатламларининг молиявий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш борасида изчил чоралар кўрилмоқда.

2009 йилда банк кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш борасида муайян чоратадбирларни амалга оширди. Миллий банк мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми кичик ва хусусий корхоналардан иборат бўлиб, улар банк кредит портфелида устувор мақомга эга. Чунончи, 2009 йил якунлари бўйича кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар йўналишлари бўйича миллий валютада берилган кредитларнинг умумий ҳажми қарийб 305 млрд. сўмни ташкил этди ва 8,1 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, "МЕФ Инвест Навоий" МЧЖга иссиқхоналар қуриш учун 1,8 млрд. сўм, балиқчилик хўжалигини ривожлантириши учун "АКВА Тўдакўл" қўшма корхонасига 600 млн. сўм ажратилди.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида Миллий банк томонидан Ислом Тараққиёт банки (ИТБ), Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ), Корея Эксимбанки каби хорижий банклар, шунингдек, бир қанча бошқа молия муассасаларининг кредит йўналишларини ўзлаштириш асосида лойиҳаларни кўриб чиқиш ва молиялашга қабул қилиш юзасидан аниқ манзилли ишлар олиб борилаяпти. Ҳар бир кредит йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ИТБ йўналиши бўйича турли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган машиналар ҳамда технологик ускуналар лизинг асосида тақдим этилаяпти. Мазкур хизматдан фермер ва деҳқон хўжаликлари бажонидил фойдаланяпти. Шу тариқа Миллий банк қишлоқ жойларда бозор муносабатларининг ривожланишига, янги мулкдорлар синфининг кенгайишига

кўмаклашмоқда.

Лойиҳаларни хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан молиялаш доирасида банк томонидан умумий қиймати 507,9 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 237 та лойиҳа танлаб олинган. Улар бўйича бериладиган кредитларнинг умумий суммаси 305,2 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Миллий банк томонидан фақат 2009 йилнинг ўзида умумий қиймати 30,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 44 та лойиҳа молияланди. Хусусан, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга 6,9 млн. АҚШ доллари, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга 4 млн., ихтисослаштирилган техника олиб келишга 8,8 млн., озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 3 млн., қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 2,4 млн., ичимлик сувни қадоқлашга 5,4 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маблағлар йўналтирилди.

Тадбиркорлар орасида Миллий банкнинг озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё саноати каби ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш бўйича кредитларга талаб, айниқса, кучли.

Жалб этилган инвестициялар ёрдамида қарийб 1,5 минг нафар янги иш ўринлари яратилган "Пола коммерц" МЧЖнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш лойиҳаси (1,35 млн. АҚШ доллари), шунингдек, "Асака-текстиль" ОАЖнинг ип-калава ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олиш лойиҳаси (980 минг АҚШ доллари) амалга оширилмоқда.

Хусусий секторнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжи ортгани ҳамда тегишли ҳуқуқий базанинг мавжудлиги Ўзбекистонда банк тизими орқали микрокредитлар беришнинг жадал кенгайишига сабаб бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, якка тартибдаги, оилавий бизнесга микрокредитлар беришнинг соддалаштирилган тартиби уларни рағбатлантирувчи ва ҳар жойда ривожланишига ёрдам берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Микрокредитлаш Миллий банк таклиф этаётган молиявий хизматларнинг ажралмас қисмидир. Банк мижозлар учун доимий асосда осон микрокредитлар бериш ишларини фаол олиб бораяпти. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермоқда.

Умуман, ҳисобот даврида Миллий банк бўлимлари ва филиаллари томонидан жами 30,8 млрд. сўмлик 4,2 мингдан зиёд микрокредитлар берилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, Миллий банк микрокредитлари жойларнинг ўзида берилмоқда ва бу ҳолат кредитлаш жараёнини анча соддалаштираяпти. Демак, мижозларнинг вақтини ҳам тежаяпти.

Миллий банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш умумдавлат дастурида қатнашиши натижасида мамлакатимиздаги дўконлар пештахталарида импорт товарлар ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тобора кўпроқ эгаллаяпти. Бундан ташқари сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларнинг экспорти доимий равишда ўсиб бораяпти. Шунингдек, биринчи даражали хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаймоқда. Миллий банк томонидан ушбу йўналишда белгиланган чоратадбирларнинг амалга оширилиши, шак-шубҳасиз, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши, хусусий тадбиркорликнинг муваффақиятли ташкил этилиши, уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятининг ортиши, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг бажарилиши учун янада қулай шарт-шароит яратади.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

МАДАНИЯТ

Ватан ва миллат тимсоли

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртни обод қилиш, бинолар қуриш, йўллар солиш, шаҳарларни тиклашда Соҳибқироннинг тадбиркорлиги аниқ кўриниб туради. У мамлакатда фойдаланиш мумкин бўлган бир қарич ер ҳам бўш қолмаслигини уқтирган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий ёзиб кетган эди. Ҳиндистон жангидан қайтаётганларида, Ҳиндикуш тоғидаги бир қалъада тўхтайдилар. Девор билан ўралган қалъа ёнида бир тегирмон сув отилиб чиқиб турган экан. Соҳибқирон буни кўриб: "Нима учун бу булоқ суви қаъладан ташқарида қолган, одамлар бундан фойдалана олишмайди. Сув беҳудага оқиб ётибди", — дея тезда қалъа деворини бузиб, булоқни қалъанинг ичига олишни буюради.

Амир Темурнинг жангчилари шунчаки аскарлар эмас, айни пайтда бунёдкор ҳам бўлишган. Улар бир лаҳзада қурувчига айланиб, ишга тушиб кетадилар. Амирлар, баҳодирлар ҳам ғишт ва лой ташийдилар. Ишнинг бошида Соҳибқироннинг ўзлари кузатиб турадилар. Икки кундан кейин булоқни девор ичига оладилар. Буни кўриб мамнун бўлган Соҳибқирон, ана энди булоқдан қалъадагилар бемалол баҳраманд бўладилар, дейди ва Самарқандга жўнаб кетишга фармон беради. Шу ерда беихтиёр ҳазрат Навоийнинг:

Одами эрсанг,
демагил одами,
Ониким йўқ халқ
ғамидин ғами,

деган мисралари хаёлга келади. Амир Темур бу қаъладаги одамларни танимайди. У ерда унинг қариндош-уруғлари ҳам йўқ. Аммо булоқдаги сувни ана шу қалъа аҳлига раво кўришни истади. Чунки бу қалъа Амир Темур салтанатининг қалъаси, унда яшайдиган одамлар эса салтанат фуқаролари. Халққа ғамхўрлик Соҳибқироннинг инсоний фазилатларидан биридир. Бу фазилат давлат тузишда ҳам, бунёдкорликда ҳам, илм-фан, маданиятга ҳомийлик қилишда ҳам, жанг майдонларида ҳам унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлиб қолади.

— Францияда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш билан шуғулланадиган жамият фаолият олиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида бобомизга кўрсатилаётган бундай эҳтиромнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Амир Темур чиндан ҳам ўхшаши йўқ буюк арбоб, буюк саркардадир. Чинакамига халқ ичидан чиққан қаҳрамондир. У оддий амирнинг ўғли эди. Давлатни бошқариш унга кимдандир мерос бўлиб қолмаган, балки бунга ўзининг худо берган истеъдоди, ақл-идроки туфайли эришган. Бир қараганда, шундай содда кўринган одам, келажакда улкан давлатни барпо этгани, кўпдан-кўп бинолар, боғлар, шаҳарлар тиклагани, сон-саноқсиз катта-кичик жанглар ўтказиб, бирор марта ҳам кураги ерга тегмагани жаҳон аҳлини ҳайратга солади. Назаримда, хорижий тарихчиларнинг Амир Темур шахсига бўлган қизиқишига сабаб, аввало, Амир Темурнинг қўрқмас жангчи экани, буюк саркардалиги, ўрта асрларга хос оғир шароитда адолатли давлатни барпо этганлигида, деб биламан. Амир Темур салтанат қурар экан, агар бола бошига бир лаган тиллани (бола, яъни ўзини ҳимоя қилолмайдиган маънода) салтанатимнинг бир четидан иккинчи четига олиб боргунча битта тилла ҳам камаймаслиги керак, дея орзу қилганди. У шунга эришди.

Жаҳоннинг турли шаҳарларида Амир Темурга бағишлаб мунтазам конференциялар, симпозиумлар, мулоқотлар ўтказиб турилади. Жумладан, Францияда "Темурийлар жамияти" фаолият олиб боради. Бу ерда машҳур француз тарихчиси Люсьен Карэн Амир Темур даврини ўрганиш бўйича йирик тадқиқотларни амалга ошириб келмоқда. Таниқли француз темуршуносининг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлари ва мақолалари ўқувчиларга яхши маълум. Беназир олим ва адибнинг бундай саъй-ҳаракатлари таҳсинларга сазовор ишдир.

Яқинда Люсьен Карэн ўзининг "Темурлан" пьесасини ёзиб тугатди. Унинг «Амир Темур салтанати» номли романи аллақачон ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

Ўзим АҚШдаги Вашингтон университетида Соҳибқирон таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган «Амир Темур ойлиги» маърузаларида иштирок этганман. У ерда ҳар йили қутлуғ кунда Амир Темурга бағишланган маърузалар ўқилади. Амир Темур дунёда ёзилган жуда кўп китобларнинг қаҳрамонидир. Шуниси қизиқки, у ҳақда ҳамма тилларда оригинал асарлар ёзилган. Бу борада Соҳибқирон олдига тушадиган, унга тенг келадиган сиймо йўқ, назаримда.

Яқин йилларда Москвада франциялик тарихчи олим Жан Поль Ру ва инглиз олими Харолд Лембнинг ҳам буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблари рус тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Шунингдек, Амир Темурнинг таржимаи ҳоли А.Панов таржимасида босилиб чиқди. Айни пайтда Амир Темур ва унинг тарихига қарама-қарши қутбдан туриб ёзилган илмий-бадиий китоблар, мақолалар ҳам чиқаётганини инкор этиб бўлмайди. Лекин ўқувчи Амир Темур ҳақидаги асл ҳақиқатни ўзи ажратиб олишига шубҳа йўқ.

— Амир Темур авлодлари қолдирган бой мерос ҳақида нима дейсиз?

— Бизнинг маданиятимиз, фанимиз, адабиётимиз, тилимизнинг ривожланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиб берган улуғ зот сифатида Амир Темурнинг хизматлари беқиёсдир. Агар Мирзо Улуғбек сиймосида фанимиз, Алишер Навоий наздида адабиётимиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосида тарихимиз ривожланган бўлса, бунинг учун биз Амир Темур бобомиздан миннатдор бўлишимиз керак. Чунки мана шу қутлуғ жараённинг тамал тошини буюк бобомиз қўйиб берган. Амир Темур халқимизнинг қудрати, маънавий кучини яққол кўрсатиб беришга имконлар яратди. Унинг бахш этган ғурур-ифтихоридан руҳланган юқоридаги улуғ зотларни ижод ва илмда катта жасоратларга ундади. Натижада улар фақат ўзбек маданиятини эмас, балки жаҳон маданияти, илм-фанининг буюк арбоблари сафидан жой олдилар. Шу билан бирга, темурийлар давридан бизгача етиб келган қадриятлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Мана шулардан бири халқимизнинг миллий байрами — Наврўз темурийлар даврида жуда кенг нишонланган. Соҳибқирон ҳар йили бу байрамда Конигил ўлангзорида чодир тиктириб, бутун Самарқанд аҳлини байрамга чорлаган. Шу куни деҳқон далага чиқар, кўчатлар экилар, ерга дон сочилар, халқ ўйинлари намойиш этилар эди. Аввал яшаб ўтган улуғларнинг руҳларини шод этиш удумига ҳам қаттиқ роия қилинарди. Тарихий китобларда ёзилишича, Амир Темур, ундан намуна олган темурийзодалар қайси шаҳарга боришса, аввало, улуғларнинг мақбараларига, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини зиёрат этишган. Соҳибқирон сафардан Самарқандга қайтганларида, аввало, иккита қабристонни — Чокардиза ва Шоҳизиндани зиёрат этган экан.

— Соҳибқирон туғилган Хўжа илғор қишлоғига борсангиз, қалбингиздан қандай туйғулар кечади?

— Хўжа илғорга борганимда, қалбимни аллақандай туйғулар қамраб олади. Қачонлардир бу ерда Темурбек тенгқурларини йиғиб, "подшо — вазир" ўйнаб, келажак кунларни орзу қилган. Бу азиз тупроқ Темурбекка жуда катта куч-шижоат берганини ҳис этаман. Рўпарада кўринган тоғларга бориб, ўз аскарлари билан ҳарбий машқлар ўтказган, садоқатли дўстлар орттирган буюк саркарданинг шаклланишида жуда катта вазифани бажарган.

Бу азиз масканда ҳар йили Соҳибқироннинг таваллуд кунларида кураш бўйича халқаро мусобақалар, кўпкари ўйинлари ўтказилади. Вилоят ёшлари ўртасида "Темурий баҳодирлар", "Темурий маликалар" кўрик-танловлари бўлиб ўтади. Бу танловлар жуда кўп ёшларга иқтидорларини намоён этишларида ўзига хос ўрин тутмоқда.

Адиба УМИРОВА,
суҳбатлашди

СПОРТ

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Бокс бўйича Остона шаҳрида терма жамоалар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда бир қатор давлатлардан келган чарм қўлқоп усталари куч синашмоқда. Улар орасида жаҳон, Осиё ҳамда Европа чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари борлиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминламоқда.

Истеъдодли ёш боксчилардан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси мазкур мусобақада муваффақиятли иштирок этмоқда. Вакилларимиз Озарбойжондан келган боксчиларни 7:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олишди.

91 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Мирзоҳид Абдуллаев дастлабки жангдаёқ Элчин Ализодани техник нокаутга учратди. Шунингдек, боксчиларимиздан Шаҳриёр Исоқов Нихат Сеидовни 5:0, Бунёдбек Машрабов Самир Маммадовни 14:4, Шоҳруҳ Хўжабеков Илкин Агаевни 1:0, Фазлиддин Гоибназаров Ҳайбатилла Хожиалиевни 5:2, Азамат Эргашев Эмил Махаррамовни 4:1, Шуҳрат Абдуллаев Рахиб Байларовни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, терма жамоамизнинг ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Энди Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўрин учун Қозоғистон боксчилари билан куч синашади.

ЕЛЕНА ЯНКОВИЧ ЗАФАР ҚОЗОНДИ

Сербиялик теннисчи Елена Янкович АҚШнинг Индиан-Уэллсида мукофот жамғармаси тўрт ярим миллион доллар бўлган WTA турнири доирасида ўтказилган мусобақада ғалаба қозонди. У даниялик рақиби Каролин Возняцкини икки сет натижасига кўра 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мазкур муваффақият йигирма беш ёшли спортчининг фаолияти давомидаги 12 зафаридир.

КУТИЛМАГАН ҲОЛАТ

Кенияниng Ниери шаҳридаги стадионда 5000 метрга эндигина югуриб бўлган спортчи ҳаётдан кўз юмди. Rusathletics.com сайти маълумотларига кўра, спортчи мусобақа якунланганидан сўнг финишга келиб муздек шарбат ичган ва шу заҳоти ҳушидан кетган. Жамоасидагилар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун касалхонага олиб борган. Аммо...

У енгил атлетика бўйича 2007 йилги жаҳон чемпионатининг финалчиси Филес Онрогнинг акаси Петер Исабоке Могере эди. Петер Исабоке Могере асосан узоқ масофаларга югуриш мусобақаларида иштирок этган. У ўтган йили Safaricom Kisumu Marathon марафонида қатнашиб, кучли ўнта спортчи орасидан жой олганди.

ДЭВИД БЕКХЭМГА ЯНГИ ХАРИДОР

Лондоннинг «Вест Хэм» клуби раҳбарларидан бири Дэвид Голд жамоага АҚШнинг «Лос-Анжелеснинг ярим ҳимоячи Дэвид Бекхэмни чақирмоқчилигини маълум қилди. Бу иш фақат футболчи жароҳатидан тўлиқ фориғ бўлганидан кейин амалга ошиши мумкин.



— Дэвид Бекхэм доим ўйинлар вақтида ўзининг яхши формада эканини кўрсатади, — дейди Дэвид Голд News Of The World нашрига берган интервьюсида. — Фақат уни сафимизга расмий равишда таклиф этишимиз қолди, холос. Агар у бизнинг клубимизга келишга рози бўлса, бу сенсация бўларди. Умид қиламанки, у таклифимизни яхшилаб ўрганиб чиқади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист **Шоира Мирзакаримова**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СУРУР

Ялпиз

Ҳар сафар уйимизга борганимда, болаликдан ёдгор супада ўтириб, хаёл суришни ёқтираман. Бу гал ҳам онамни баҳор байрамлари билан табриклаш ниятида қизимни етаклаб, ота уйимга борарканман, ўша мунис лаҳзалар яна хаёлимда гавдаланди. Одатимни канда қилмай, супа томон одимладим. Ялпизнинг хушбўй ҳиди димоғимга урилди. Онам билан бирга супада ўтириб суҳбатлашаркан-миз, атрофни кузата бошладим. Шу пайт қизим бир ҳовуч ялпиз териб, ёнимизга келди.

— Онажон, буни қаранг, ҳиди роса ёқимли-а? Бувижон, сизга ялпиз ҳақида ўқиган ривоятимни айтиб берайми?

Тасдиқ ишорасини олган қизим Моҳира ҳикоясини бошлади:

— Бир вақтлар ер ости салтанатининг ҳукмдори гўзалликда тенгсиз бир қизни севиб қолибди. Бу сирдан ҳукмдорнинг рашкчи хотини хабар топибди. Шундан кейин у соҳибжамолни сеҳрлаб, хушбўй исли ялпизга айлантириб қўйган экан.

— Ўқишга иштиёқинг баландлигидан жуда хурсанд бўлдим, болажоним, — дея онам неварасини мақтадилар.

— Бувижон, Шаҳноз ўртоғим бор-ку, ўша: "Ялпиз оддий ўт", — деди. У нотўғри гапирган-а? Ялпиз фойдали ўсимлик, шундайми? — деб бувисини саволга тута кетди қизим.

Онам маърифатли аёл. Кўп китоб ўқиган. Моҳиранинг саволига атрофлича жавоб қайтарди.

— Энди қизим яхши биламизки, юртимизда ялпизнинг бир қанча турлари учрайди: "Қора ялпиз", "Осиё ялпизи", "Қалампир ялпиз", "Сув ялпизи". У табиий ҳолда намлик кўп жойларда ўсади. Ялпиздан ошкўк ва зиравор сифатида кенг фойдаланилади. У овқатни яхши ҳазм қилдирувчи восита саналади. Бундан ташқари, бу гиёҳ қадим-қадимдан доривор малҳам ҳисобланади. Халқ табобатида ундан кенг фойдаланиб келинган. Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Бу гиёҳ шамоллаганда балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўллари касалликларини бартараф этувчи восита сифатида ҳам эъзозланади. Халқ табобати амалиётида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасидан тиш оғриғи, оғиз, милк ялиғланишини даволашда қўлланилган.

Қалампир ялпизнинг асаб касалликларида, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилашда, тинка қуришида, ҳолсизланишда ва бод касаллигида организмни мустаҳкамловчи таъсири бор. Сафро ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Халқ табобатида меъда-ичак тиришишида, бемаврид ич кетишида, қабзиятда, меъданинг нордонлиги ошганида, сариқ касаллигида, ўт пуфакда тош пайдо бўлганида, бавосилда, ўпкадан кўп қон кетганида ялпиз дамламалар тавсия этилади.

Ялпиз таркибида эфир мойлари, глюкоза, минерал тузлар ва дармондорилар мавжуд. Баҳор кезлари ялпиз ва бошқа шифобахш гиёҳлар билан турфа кўринишдаги лаззатли таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиниши саломатликни сақлашда катта аҳамият касб этади. Бу борада кўкатлардан тайёрланган сомса, чучвара, қайланинг фойдали хусусиятларини санаб адоғига етмайсан киши. Улар нафақат хушхўрлиги билан балки тана аъзоларига қувват бағишлаши, организмни йиғилиб қолган кераксиз моддалардан тозалаши, ичак йўлининг равон бўлишини таъминлаши билан ўзига хос аҳамиятга эга. Шунингдек, у юқумли касалликларга қаршилик кўрсатадиган иммун тизимини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Дориларда ҳам ялпиздан олинадиган эфир мойлари бор. Ялпиз мойи микробларга қирон келтирувчи хусусияти билан ажралиб туради.

Онажонимнинг неварасига айтиб берган маълумотларини тинглар эканман, болалик чоғларимда ялпизни ўзгача меҳр билан суйганим бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

БАДИА

Момо ер

Чор-атроф яшилликка бурканмоқда.

Табиат ўзи мисолида инсонни ҳамиша тинимсиз ҳаракатда бўлишга, униб-ўсишга даъват этаётгандек гўё. Бу дунёнинг энг хокисор ва бой, энг сахий мўъжизакор унсурларидан бири тупроқдир. Дов-дарахтлару жамики тирик мавжудотни қуёшнинг ҳароратли тафти ила аслида тупроқ уйғотмоқда. Табиатнинг бу мўъжизасида минг бир сир-синоат, ҳайрат бор. Ҳамма нарсанинг пойи остида бўлиш фақат тупроққа хос хусусиятдир. Унинг барини ўядилар, топтайдилар — ҳаммасига жимгина бардош беради. Озгина меҳру муҳаббатдан дарҳол яна кучга кирадиган ҳам — унинг ўзи.

Бизгача неча миллионлаб одамларга у Ватан бўлди, кимлардир ундан хазина сифатида фойдаланди, холос. Тупроқ ҳароратини ҳис этмай кун кечирганлар ҳам ўтдилар. Биздан кейин ҳам шундай бўлади.

Дунёда бирор озуқа, анжом ёки нарса йўққи, тупроқ билан боғлиқ бўлмаса. У юз уруғни минг қилиб беради, одамларни тўйдиради, кийдиради, наинки инсон, ҳатто унинг хизматидаги жонзотлар учун ҳам озуқа етиштиради... Саховатнинг яна қандай хили қолди у намоён этолмаган?

Тупроқнинг мўъжизакорлигини фақат меҳнат орқали англаш мумкин. Тупроқнинг тилини яхши билганларгина ундан чинакам баҳра оладилар. Яна бир томони бор. Сиз пуч уруғни қадаб қўйинг, ҳосил унармикан?

Мавлоно Жалолиддин Румий ўз маснавийларида осмонни эркакка, тупроқни эса бағрида дунёни парваришлаган аёлга менгзайдилар. Румий "дунёда ҳар бир нарса, масалан, темир билан оҳанрабо, сомон билан қаҳрабо, осмон билан ер доимо бир-бирини ахтаради", — деб ёзади. Дарҳақиқат, осмон билан ер бирлашган мавсум мўъжизалари туфайли табиат яшнайди, унинг гултожи инсон қайта яралгандай бўлади.

Абу Райҳон Беруний асарларидан бирида ким нима экса, шуни ўради мисолида инсон кўнглини тупроққа ўхшатган. Ҳасад, нафрат, ёмонлик уруғи кўпайса, кўнгилни чақир тиканакзор қоплашини, у бора-бора эгасини харob қилишини, аксинча, эзгулик, меҳру муҳаббат, ҳалоллик сингари ёруғликлар ундирилса, ундайин кўнгил юзлаб одамларга руҳий озуқа етказишини айтган.

Демак, тупроқ билан бирга борлиқ янгидан уйғонмоқда. Инсон кўнглида ҳам саховат, меҳр-муҳаббат туйғулари, мўъжизакорлик, бунёдкорлик фазилатлари туғилмоқда. Уни она заминда ҳам, кўнгил майдонида ҳам кўпроқ ва хўпроқ ундира олсак, қанийди?!. Зеро, одамзот бу мафтункор дунёда ўзни мукаммал кўрмоқ умидида яшайди.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 17280 Буюртма — Г-226 1 2 3 5